



BUYRUG'I

2025y. «27» 02

27-n - son

Toshkent shahri

Минерал ресурслар институти давлат
муассасасининг харид комиссияси
таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги «Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

Давлат харидларини амалга ошириш бўйича доимий харид комиссияси куйидаги таркибда тузилсин:

Талъатходжаев Д.Ш. – тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари, комиссия раиси;

Хамидуллаев Б.Н. – геоинновацион технологиялар ва минерал хомашёни комплекс қайта ишлаш маркази мудир, комиссия раиси ўринбосари;

Неъматиллоев Б.А. – иқтисодиёт ва молиялаштириш бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси;

Махмудова Г.П. – бош бухгалтер, комиссия аъзоси;

Асабаев Д.Х. – илмий котиб вб., комиссия аъзоси;

Алимов Р.С. – биотехнология ва гидрометаллургия лабораторияси мудир, комиссия аъзоси;

Алматов И.М. – минерал хом ашёлар моддий таркибини аналитик тадқиқот қилиш лабораторияси мудир, комиссия аъзоси;

Мусахонов З.М. – Ерни масофадан зондлаш ва ГАТ-технологиялар маркази мудир, комиссия аъзоси;

Хантемиров Р.М. – маъданли фойдали қазилмаларни башоратлаш бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси;

Сайитов С.С. – минералогик тадқиқотлар бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси;

Халилов Ф.Ф. – меҳнат муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги етакчи муҳандиси, комиссия аъзоси.

2. 1 тоифали харидлар буйича агенти К.Исмаилов харид комиссиясининг тезкор фаолиятини амалга ошириш учун масъул котиби сифатида тайинлансин. Харид комиссия котиби овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

2.1. Раупов Ў.Ш. коррупцияга қарши ички назароти бўйича етакчи мутахассисига харид комиссияси фаолиятини доимий назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Харид комиссияси (Талъатходжаев, Хамидуллаев, Неъматуллаев, Махмудова):

3.1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон 20.05.2022 йилдаги 276-сон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларига мувофиқ иш юритилишини таъминласин;

3.2. Танлов ҳужжатларида кўйилган талабларга таклиф берган иштирокчилар баҳолаш бўйича эълон қилинган меъзонлар асосида институт харид комиссияси томонидан аниқланиши белгилаб кўйилсин;

3.3. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмаслиги эътиборга олинсин;

3.4. Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили асосида ғолибни танлаши, шахсий манфаатдорлик аломатлари бўлмаслиги кераклиги эътиборга олинсин;

3.5. Ғолибни аниқлаш тартиб-таомиллари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги таъминлансин;

3.6. Давлат харидларини асосланганлиги, молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги, очиқлик ва шаффофлик, тортишув ва холислик, мутаносиблик, давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги, коррупцияга йул қўймаслик принциплари асосида бажарилиши таъминлансин;

3.7. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланиши, ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилиниши белгилаб кўйилсин;

3.8. Иқтисодий жихатдан энг фойдали таклифни баҳолаш усулини қўллаш тартибини (баҳолашнинг нархга асосланмаган меъзонларини) жорий этилсин.

4. Институт директорининг 2024 йил 01-ноябрдаги 230-п-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Директор

И.Б.Турамурастов

Киритилди:

Харидлар бўйича 1 тоифали агенти



К.Исмаилов

Келишилди:

Директор ўринбосари



Д.Талъатходжаев

Бош бухгалтер



Г.Махмудова

Бўлими бошлиғи

Б. Неъматиллоев

Таништирилди:



Б.Н.Хамидуллаев



Д.Х. Асабаев



Р.С. Алимов

З.М. Мусахонов



Р.М. Хантемиров



С.С. Сайитов



Ф.Ф. Халилов